

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИЧВЕРСИТЕТИ**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР**

2

ISSN 2181-7286

Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар

2

ISSN 2181-7286

Тошкент – 2019

Илмий-методологик ва илмий-
услубий журнал 2002 йилдан бошлаб
чиқа бошлаган, йилига 4 марта чоп
этилади

Таъсисчи:
И.КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Бош муҳаррир
и.ф.д., проф. А.Қодиров
Бош муҳаррир ўринбосари
доц. А.Мирзаев
Масъул котиб
доц.М.И.Саидқаримова

Жамоатчилик кенгаши:
Проф. С. М. Турабджанов (раис), проф.
О.О.Зарипов, проф. Т.М.Ахмедов, проф.
Н.Ф.Зикриллаев, д.т.н. Қурбонов М.Ш.

Таҳрир ҳайъати:
Проф. Х.П.Абулқосимов, проф.
М.Л.Турсунходжаев, проф. А.А.Хошимов,
проф. Т.М.Ахмедов, проф. Б.А.Хасанова,
проф. А.И.Архипов, проф. И.Эргашев, проф. С.
Отамуродов, проф. Н.Жўраев, проф.
Р.Самаров, проф. М.Мирқосимова, проф.
Б.С.Сиддиқов, проф. У.Махкамов, проф.
Ғ.Б.Шоумаров, проф. М.Бекмуродов, проф.
З.Қодирова, с.ф.д., проф.Пахрутдинов Ш.И.

Таҳририят манзили:
100095, Тошкент – 95, Университет
кўчаси, 2. тел:246-53-16, www.tdtu.uz E-mail:
ijtjmoiy-fanlar@rambler.ru

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан рўйхатга олинган,
2007 йил 22 январь, № 0205 сонли
гувоҳнома.

ISSN 2181-7286. Иқтисод бўлими ОАК
рўйхатига 2019 йил 1 январдан, Педагогика
ва психология бўлими 2019 йил 25 июндан
киритилган

Журналда маълумотлар босилганда
далиллар кўрсатилиши шарт. Журналда
чоп этилган маълумот ва келтирилган
далилларнинг аниқлиги учун муаллиф
жавобгардир.

МУНДАРИЖА

ИҚТИСОД		
Мирзамаҳмудова М.О. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилашда жаҳон банки гуруҳининг роли.....	6	
Усманова Р.М., Онбашин Л.Р. Глобаллашув жараёни ва уларнинг олий таълим соҳасида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга таъсири.....	13	
Қодиров А. Ишлаб чиқариш муносабатларининг назарий жиҳатлари.....	19	
Рузиева Д.И. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик.....	28	
Режапов Х.Х. Олий таълим хизматларини истиқболлаштириш йўналишлари.....	36	
Очилов Ж.Ж. Тадбиркорлик иқтисодий фаолиятининг махсус шакли.....	42	
Тўрабекова Г.И. Инсон капиталини тақдор ишлаб чиқариш хусусиятлари.....	50	
Боймирзаев Б.Ж. Инновацион инвестициялаштиришнинг назарий асослари.....	57	
Исломова Д. Таълим сифатини ошириш иқтисодий ривожланишнинг асосидир.....	68	
Джурракулов Ш.Д. Реклама фаолиятини тартибга солишнинг асосий йўналишлари.....	74	
Бердимуродов У.С. Меҳнат ресурслари бандлигини таъминлаш.....	83	
Даминов О.О., Хакимов Ж.О., Мирзаабдуллаев Ж.Б. Водород ИЕД ёниги сифатида қўлланиши истиқболли техникавий-иқтисодий асослаш.....	94	
Хамраев О.Я. Инновацион ривожланишда давлат секторининг роли.....	101	
Муфтайдinov Қ. Меҳнат ресурсларини бошқариш.....	108	
Муъйидinov Х.А. Оила ҳўжалиги тадбиркорлик ҳўжалигими?.....	115	
Тўребеков А. Дехқон ҳўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигининг иқтисодий кўрсаткичлари.....	124	
Сангирова У.Р. Ўзбекистонда балиқ ҳўжалигини самарадорлигини ривожлантириш.....	130	
Зоҳидова Ш.Ш. Олий-таълим муассалари молиявий – иқтисодий ривожланишнинг сценарийлари.....	137	
Валиев Б.Б. Минтақавий иқтисодий муносабатлар тизимида инвестиция салохиятининг ўрни.....	144	
Нигматова Д.З., Элов Д.А., Абдухаликова Н. Агрисаноат ишлаб чиқаришнинг худудий ривожлантириш стратегияси.....	156	
Санткамолов М.С. Темир йўл тизимида инновацион-инвестицион фаолият самарадорлигини оширишнинг хориж тажрибаси.....	164	
Митрушова М.Л. Интеллектуал капитал – инновацион ривожлантиришнинг асоси.....	169	
Қилчиев Т.В. Иқтисодий барқарорликни ривожланиш стратегияси.....	173	
Олимжонова Ш.О., Азизова С.Х. Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий натижалари ва уни ривожлантириш истиқболлари.....	181	
Тарахтиева Г.К. Ўзбекистон нефть-газ секторини инновацион ривожлантиришнинг асосий муаммолари.....	190	
Эшбеков А.Х. Таълим тизимининг малакали ишчи кучини тақдор ишлаб чиқаришдаги роли.....	195	
Абдусаидов А.А. иш билан бандлик нодавлат тузилмалари фаолияти ривожланишнинг асосий йўналишлари.....	204	
Ниязов М., Баратова З. Туризм иқтисодиётининг муҳим тармоғи сифатида.....	209	
ПЕДАГОГИКА		
Ёрматова Т. Фуқаролик маданиятини шакллантириш моҳияти.....	215	
Хайитов У. Бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёни ва уни моделлаштиришнинг айрим хусусиятлари.....	219	
Усмонова О. Нутқининг тўғрилиги – унинг бош алоқавий сифати.....	225	
Дўсанов Р. Бир актёр театри ҳақида.....	231	
Мамиров М. Мумтоз кўшиқчиликда ижромаданиятини ўстириш йўллари.....	236	
Манионов С.Ш. Замонавий пантомима театри.....	241	
Муратова Г.Р. Ўзбекистонда адаптив жисмоний тарбиянинг таълим функциялари.....	245	
Тошпулатов Ф. Махсус тиббий гуруҳ талабаларининг гавда тузилиши ҳолати ва жисмоний тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятлари.....	252	
Файзиёва О.Л. Жойдан туриб узунликка сакраш машқи орқали баландлиқка сакровчи спортчилар спорт натижасини ошириш методикаси.....	257	
Шерматов Ғ.Қ. Узок масофалга югурувчиларни жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини шаклланиш динамикаси.....	263	

УДК: 334.722.1

ОИЛА ХЎЖАЛИГИ ТАДБИРКОРЛИК ХЎЖАЛИГИМИ? СЕМЕЙНОЕ ХОЗЯЙСТВО - ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО?

FAMILY ECONOMY- ENTREPRENEURSHIP ECONOMY

Мўйдинов Х.А. (АндМИ тадқиқотчи)

Мақолада бозор иқтисодиёти шароитида оила хўжалигини тадбиркорлик хўжалигининг бир шакли эканлиги назарий жиҳатдан ўрганилган. Оила хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ўрганилган. Оила хўжалигининг асосий вазифалари белгиланган. Оила хўжалигини уй хўжалигидан фарқланиши асослаб берилган.

Калит сўзлар: оила хўжалиги, уй хўжалиги, шилаб чиқариш, ижтимоий моҳияти, инвестиция, инновация, рақобат.

В статье в теоретическом аспекте изучено семейное хозяйство как одна из форм предпринимательского хозяйства. Изучено социально-экономическое значение семейного хозяйства. Определены основные задачи семейного хозяйства. Обосновано отличие семейного хозяйства от домашнего хозяйства.

Ключевые слова: семейное хозяйство, домашнее хозяйство, производство, социальное значение, экономическое значение, инвестиция, конкуренция.

It's studied in theoretical aspect family economy as one of the form in entrepreneurship economy. Is studied socio- economical importance of family economy. Are defined main tasks of family economy. Founded difference of family economy from the housekeeping.

Ключевые слова: family economy, housekeeping, production, social importance, economical importance, competition.

Бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши бозор ва аҳолини истеъмол талабларини қондиришга қаратилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган мурожаатномаларида “Макроиқтисодий барқарорликни ва ю.қори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашимиз шарт. Ҳар бир

ишимизда пухта ҳисоб-китоб биринчи ўринда туриши лозим” [1] деган эдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёни ва иқтисодий муносабатлар доимий равишда бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллашиб бориши миллий иқтисодиётни иқтисодий кризислар бўлишини олдини олишни таъминлайди. Ишлаб чиқариш жараёни бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига асосланган ҳолда ташкил топишуви турли мулкчилик эгаллигига асосланганлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида ҳар бир мулкчилик шаклига асосланган ишлаб чиқариш давлат якка хусусий, шерикчилик капитали тариқасида ижтимоий капитални, ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқаришни таъминлайди. Ишлаб чиқариш жараёнини такрорий кенгайтирилган равишда такрорланиши унинг субъектлари бўлган турли мулк эгалликларининг шу жумладан якка тартибдаги хусусий капитал ҳам такрорий равишда кенгайтирилган ҳолда такрорланиб боради.

Якка тартибдаги капитал ҳам оддий ва кенгайтирилган шаклларда такрорланади. Уни қандай шаклда такрорланиши хусусий мулк олдига қўйилган вазифаларга боғлиқ. Хусусий капитални такрор ишлаб чиқариш жараёнида қўлга киритган фойдаси ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтиришнинг асосий инвестиция манбаи бўлган ҳолда у ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирилган ҳолда ташкил этишда банк томонидан бериладиган кредит маблағларидан ҳам фойдаланади. Ишлаб чиқариши жараёнида яратилган моддий бойлик истеъмолнинг маълум бир томонларининг талабларини қондиришни таъминлайди.

Бизга маълумки, моддий ишлаб чиқариш жараёни доимий равишда кенгайтирилган усулда такрорий ишлаб чиқаришни олиб борилишини табиат билан боғлиқликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Такрор ишлаб чиқаришга табиат ижобий ва салбий равишда ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Табиат ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирилган ҳолда ташкил этиш учун ҳамда жамиятни иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши нафақат зарур бўлган табиат бойликлари билан таъминлайди, балки табиат бу бойликларни таъминлашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини биламиз.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш жиҳатидан инновацион техника ва технологиялардан фойдаланиш бир томондан албатта унга маълум даражада таъсирини туширсада иккинчи томондан унга ҳам маълум даражада табиат таъсири кучайиб боради. Сабаби, бизнинг фикримизча, бозор шароитида ишлаб чиқариш субъектларини ишлаб чиқараётган маҳсулотларини истеъмол бозорида рақобатдошлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш табиат бойликларини аёвсиз жалб этиш оқибатида табиат ресурсларини қисқа вақтларда қайта тиклана

олмаслиги оқибатида моддий бойликларни ишлаб чиқарилишини ўсишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Чунки табиат бойликларидан фойдаланиш уни табиат томонидан қайта такрор ишлаб чиқариш учун кўп йилларни талаб этади. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда нафақат табиат ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишга эътибор бериш зарур, балки табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида соф экологик ҳолатни ташкил этиш билан боғлиқликда олиб боришни ташкил этиш зарур.

Турли мулкчилик шаклларида асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва уларни самарали олиб боришда энг асосий масалалардан бири табиатни муҳофаза қилиш ҳамда унинг бойликларидан тежамли ва самарали фойдаланишга эътиборни кучайтириш зарур. Ишлаб чиқариш жараёнига қўлланиладиган инновацион техника ва технологияларни самарадорлик даражаси меҳнат унумдорлигини ўсиб бориши, маҳсулот бирлигига сарфланаётган моддий ва меҳнат харажатларини камайишида ифодаланади.

Республикада 2018 йилда фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар 2014 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 22140 мингга ёки 11,0 фоизга кўпайиб, 242379 тага етган. 2018 йилда 229666 корхоналар фаолият олиб борганлар. Кичик корхоналар ва микрофирмаларда меҳнат ресурсларининг бандлиги 2014-2018 йиллар ичида 771,7 мингдан 908,0 мингга ёки 11,8 – 1787 фоизга кўпайган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати иқтисодий таҳлил даврида 30907,0 млрд.сўмдан 61637,8 млрд.сўмга ёки фоизга кўпайган. Шу давр ичида ялпи ички ишлаб чиқарилган маҳсулотда кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳиссаси шу давр ичида 56,1 фоиздан 54,9 фоизга камайган. Шу давр ичида маҳсулот товарлар, ишлар ва хизматлар сотишдан соф тушум 56508,5 млрд.сўмдан 110347,9 млрд.сўмга ёки 195,3 фоизга кўпайган. Ишлаб чиқариш таннари шу давр ичида 41390,3 млрд.сўмдан 76808,3 млрд.сўмга ёки 185,5 фоизга кўпайган. Фойдадан солиқ тўлови тўлангунга қадар шу давр ичида 8136,1 млрд.сўмдан 13042,5 млрд.сўмга ёки 160,3 фоизга кўпайган. Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати бўйича йил охирига келиб иқтисодий кўрсаткичлари 25290,9 млрд.сўмдан 54735,2 млрд.сўмга ёки 216,4 фоизга кўпайган ҳолда уларни ишдан чиқиши қиймати шу давр ичида 6148,8 млрд.сўмдан 14076,7 млрд.сўмга ёки 228,9 фоизга кўпайган.

Шу иқтисодий таҳлиллар даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар қиймати кўшимча қийматсиз 17532,9 млрд.сўмдан 42148,7 млрд.сўмга ёки 240,1 фоизга кўпайган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг асосий капиталларини ривожлантиришга республика бўйича сарфланган инвестиция маблағлари

иқтисодий таҳлил даврида 12479,1 млрд.сўмдан 23783,7 млрд.сўмга кўпайган ёки 190,1 фоизга ўсган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида биз эркин бозор тамойилларини ўрнатмоқчи эканмиз, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш орқали соғлом рақобат муҳитини яратишимиз шарт [2] деган эдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ташкилий, ижтимоий ва иқтисодий хатти-ҳаракатлар натижалари иқтисодиётни асосий ишлаб чиқариш тармоқларида ишлаб чиқариш фаолиятларини олиб боришда на фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга тадбиркорликни амалга оширишда мавжуд бўлган оила хўжалигини ривожлантиришда улар ўртасида эркин рақобатни ривожлантириш орқали бу оила хўжаликларини самарали ривожлантиришга эришиш мумкин.

Оила хўжаликларини саноат тармоқларида ривожлантириш, миллий иқтисодиётни микроиқтисодий ривожлантиришда ўрнини ҳам ишлаб чиқариш хажми, олаётган даромади уларда банд бўлган меҳнат ресурслари орқали, ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига харажатлар маҳсулот таннархи ва олинган фойда иқтисодий кўрсаткичлари асосида самарали даражаларини белгилаш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий субъектларни ишлаб чиқариш жараёнида ўрганиш икки усулга асосланиши керак. Бу иқтисодий усул назарий жиҳатдан амалга оширилиши дедуктив усул орқали ва индуктив усул асосида амалиёт натижаларини ўрганиш асосида уни қанчалик иқтисодий аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда уни кўпайтириш муаммоларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Республикада оила хўжалигини саноат тармоқлари билан боғлиқликда ташкил этиш янгилик бўлиши ишлаб чиқариш жараёнини оиланинг ишлаб чиқариш воситалари асосида оила субъектларини ишга яроқли оила аъзоларидан ташкил топиб маълум ишлаб чиқариш йўналишида истеъмол маҳсулотларини яратадилар ва ўз оила аъзоларининг турмуш шароитларини яхшилаш малакавий ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқаришда олган иш ҳақлари ва даромадлари орқали молиялаштирдилар. Республикада миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда ишлаб чиқариш субъектларини қандай мулкчилик шаклларига асосланишидан қатъий назар куйидаги вазифаларни бажариши зарур. Жумладан:

- нодавлат мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш уни ривожлантириш, эркин рақобат асосида олиб боришни таъминлаш;
- нодавлат ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган инвестицион муҳитни бозор талаб ва таклифи асосида такомиллаштириб бориш;

- нодавлат корхоналари бўлган кичик бизнес, микрофирмалар, хусусий тадбиркорлик ва оилавий хўжаликни ривожлантиришни модернизация ва диверсификациялаштиришни истеъмол бозори талаблари асосида амалга ошира бориш;
- нодавлат корхоналарини ривожлантириш учун зарур бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта малакаларини ошириш эвазига тайёрлаш;
- нодавлат корхоналарини кредитлаштиришда кредит фоиз тўловларини тушириш ва уни табақалаштириш;
- хорижга товар ишлаб чиқарувчи нодавлат субъектларига хориж бозорларига товар чиқаришда, уларга бож тўловларида, транспорт харажатларида имтиёзлар беришни амалга ошириш зарур.

Шу билан бирга биз тадбиркорлик фаолиятларини саноат тармоқларида ҳар бир иқтисодий минтақалар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектлари бўлган кичик корхоналар, микрофирмалар, хусусий тадбиркорлик оилавий хўжаликларни ривожлантиришда хал этилишини кутаётган ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмол бозорига етказиш муаммоларини бозорнинг асосий иқтисодий қонуни бўлган талаб ва таклиф асосида такомиллаштириб бориш зарур.

Республикада иқтисодий инқирозни олдини олиш, иқтисодий ривожланишни микроиқтисодий ва макроиқтисодий барқарор ривожлантириш долзарб муаммо эканлигидан келиб чиқан ҳолда саноатда оила хўжалигини ривожлантириш асосида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва меҳнат ресурсларини бандлигини таъминлашда ҳам оила хўжалигини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни бир янги йўналиши эканлигини илмий-услубий равишда ўрганиш ҳам долзарб муаммо ҳисобланади.

Оила хўжалиги бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг бозор қонуни бўлган талаб ва таклиф асосида ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Тўғри оила хўжалиги ҳам ишлаб чиқариш шакллари бир тури бўлиб иқтисодий категория сифатида ўзининг тарихий ривожланишига эга. Бозор муносабатлари талабларига асосланган ҳолда оила хўжалигини ривожлантиришдан асосий мақсад оила аъзоларини истеъмол талабларини тўлиқ қондириш билан бирга ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмол бозорида қатнашиш асосида маълум миқдорда даромад олиш билан миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқарувчи оилавий тадбиркор хўжалик субъекти сифатида фаол қатнашишларини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади.

Меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш жараёнини оила хўжалиги шаклида уларни иш жойлари билан таъминлаш, биринчидан оила

аъзоларини, иккинчидан оила аъзолари бўлмаган меҳнат қилишга лаёқати бўлган меҳнат ресурсларини иш жойлари билан таъминлаш, учинчидан оила хўжалиги ўзининг оила аъзолари учун зарур бўлган яшаш шароитларини яратиб беради, тўртинчидан ўзининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан истеъмол бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни маълум даражада мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Оила хўжалиги нафақат истеъмол қилувчи хўжалик, балки микроиқтисодий даражада ишлаб чиқариш субъекти деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Шу билан бирга айтиш мумкинки, оила хўжалиги фақат бозор иқтисодиётининг маҳсули эмас, у қадимий оилани шаклланиши билан бирга ривожланган хўжалик шакли бўлиб, синфий ва носинфий иқтисодий ривожланишда ўз фаолиятини олиб борган, гарчанд улар бир-бирларидан маълум даражада фарқланса ҳам, бозор шароитида бу хўжалик шакли тадбиркорликнинг бир шакли сифатида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўз ўрнига эга.

Бизга маълумки, оила хўжалигини назарий ва услубий ривожланишини таҳлил этишда иқтисодчи олимлар ўртасида умумлашган ягона таъриф йўқ деса бўлади.

Хар қандай ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тизимида “оила” ва “уй хўжалиги”, яъни оила хўжалиги моддий бойликларни ишлаб чиқариш ва уни тақсимоотида қатнашувчи асосий субъект ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда “оила хўжалиги”, “уй хўжалиги”, “хонадон хўжалиги” сифатида таърифлар берилган.

Биринчи маротаба “уй хўжалиги” тушунчаси олимлардан Аристотель, Ксенефон, ўша даврда уй хўжалиги, уй хўжалигини самарали олиб боришни ўрганиш асосида “уй хўжалиги”ни ўрганиш фанига асос солганлар. [3]

Оила хўжалиги тушунчаси бир жойда яшайдиган оила ва оилавий қариндошлардан ташкил топган ва умумлашган бюджетга эга бўлган гуруҳдир [4] деб ҳисоблайди. Айрим иқтисодчилар оила бизнесини ривожланишини иқтисодий нуқтаи назардан эмас балки сиёсий, ижтимоий, институционал, демографик ва ментал [5] олимлари билан боғлайдилар.

Биз бу фикрларга тўлиқ қўшила олмаймиз, сабаби оила бизнесини ривожланиши истеъмол бозори талабларини эътиборга олган ҳолда оила истеъмол талаблари бор йўналишда ўзларининг талабларини қондириш билан бирга маълум даражада фойда олишга қаратадилар. Сиёсий, ижтимоий, институционал, демографик ва менталитет омиллари оила бизнесини, яъни оила хўжалигини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллардир деб ҳисоблаймиз.

Айрим иқтисодчилар оила хўжалиги билан уй хўжалигини синоним сифатида қарайдилар. Бизнинг фикримизча, оила хўжалиги оила аъзолари, қариндош-уруғлари билан ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш

хўжалигини ифода этса, уй хўжалиги маълум бир яшаш жойида, юридик рўйхатдан ўтган уй аъзоларини яшашини ташкил этади.

Иқтисодчи олим А.И.Попов фикрига кўра “уй хўжалиги – маълум мақсадларга эришиш учун харажатларини минималлаштиришга ҳаракат қилишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятининг бошланғич шаклидир” [6] деб ҳисоблайди. Бу ҳаракатлар уй аъзоларини сарф ва харажатларни тежамкорлик асосида олиб бориши тадбиркорликни бир кўриниши деб ҳисоблаш мумкин. Чунки уй хўжалиги аъзолари ўзлари учун хизмат қиладилар.

Оила хўжалиги тўғрисида “Ўзбек тилининг изоҳли луғатида” оила тушунчасига “эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчилар мажмуи хонадони” [8] деб таъриф берилган.

Хонадон тушунчасига берилган таърифга қўшилган ҳолда биз хонадонни яшаш, уларни маънавий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини асослаб берадиган хонадон хўжалигини жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий моҳияти тушунчасида кўриш мумкин.

Республикамик иқтисодчи олимларидан А.Ўлмасов ўзининг “Оила иқтисоди” монографиясида оилани уй хўжалиги билан тенглаштириб “Иқтисодий жиҳатдан қараганда, оила уй хўжалиги бўлиб, микроиқтисодий тизимнинг асосий бўлаги ҳисобланади. Унинг бошқа қисмини эса фирма, корхона ва иқтисодий сектор ташкил этади” [8] деб ҳисоблайди.

Биз иқтисодчи олим А.Ўлмасов томонидан “оила”, “уй хўжалиги” тушунчаси бир эканлигига қўшила олмаймиз. Бизнингча, уй хўжалиги бу маълум хонадон аъзолари томонидан яшашлари мақсадида уй хўжалигини юритишни ифода этади. Уй хўжалиги микроиқтисодий тизимни яшаш учун зарур бўлган уй хўжалиги мулкни ифода этса, оила хўжалигининг асосий мақсади ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш асосида уй хўжалигига иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлиши учун қўшимча даромад олиш мақсадида оила хўжалиги аъзолари томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва фойда олишга қаратилганлигида ифодаланади.

Иқтисодчи Х.И.Ахмаджонов “хонадон хўжалигини” ташкил топишини ўрганиш асосида, “уй хўжалиги”ни қуйидагича асослайди “хонадон уй-жой шароити умумий, бир қатор товар ва хизматларни биргаликда истеъмол қилувчи, ўзининг пул ва моддий маблағларини бирлаштирувчи кишиларнинг кичик гуруҳи” [9] деб ҳисоблайди.

Иқтисодчи Х.И.Ахмаджонов томонидан уй хўжалиги тўғрисида берилган фикрларга қўшилган ҳолда уй хўжалиги бу шу хонадон аъзолари яшайдиган жойи деб ҳисоблаймиз, унинг аъзолари эса шу хонадон аъзолари сифатида ўзларининг яшаш ва турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида умумий топган пул ва моддий бойликларидан умумлашган ҳолда бир

мақсадга яхши яшаш, ёшларни тарбиялаш ва билим олишларига сарфлайдилар.

Иқтисодчи олимлардан З.Ю. Юлдашев ва Т.С. Маликовлар томонидан “оила” хонадонини “уй хўжалиги”дан фарқларини англаш зарурлигини таъкидлаб “уй хўжалиги”ни оила хўжалигига нисбатан чекланган таснифга эга деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, ота-оналар ўзларининг фарзандларига тегишли бўлган жойда бирга фарзандлари билан яшаётган бўлсаларда, улар уй хўжалиги аъзолари бўлсаларда, унинг оиласи бўлаолмайди. Шунингдек, бир хонани ижарага олган талаба уй-жой эгасининг уй хўжалиги таркибига киради, лекин унинг оиласига кира олмайди ва х.к. бошқача айтганда, уй хўжалиги қариндош бўлмаганларни ҳам ўз ичига олиши ёки бир кишидан (шахсдан) иборат ҳам бўлиши мумкин [10] деб ҳисоблайдилар.

Иқтисодчи олимлар томонидан уй хўжалигини оила, хонадон, хўжалигидан фарқланиши уй хўжалигини оила хўжалигига нисбатан чекланган деган фикрларга тўлиқ қўшилган ҳолда уларнинг айрим фикрларига қўшила олмаймиз. Жумладан, ота-оналарни ўзларининг фарзандлари билан тегишли жойда яшаётган бўлсаларда, уларни оиласи бўлолмайди деб ҳисоблашларини асоссиз деб ҳисоблаймиз. Ота-оналар вақти келиб миллатимизнинг анъаналарига, урф-одатларига кўра кўпинча уй-жойларини, яъни уй хўжалигини одатда оиланинг кичик фарзандига топширадилар ва шу оиланинг аъзоси ҳисобланадилар. Ижарада турувчи шахс эса уй хўжалиги аъзоси эмас балки ижарага турадиган жой хўжалигининг мустақил вакилидир. Уй хўжалиги билан оила хўжалиги тушунчалари бир-биридан фарқланиб, уй хўжалигини юритиш асосан оила аъзоларидан меҳнат қилиш қобилиятига оила аъзоларининг жамоа хўжаликларидан ишлаб топган иш ҳақлари, нафақа ёрдам пули ва стипендия ҳисобига уй хўжалигининг аъзоларини турмуш шароитларини талаб даражасида ташкил этишда ифодаланади.

Оила хўжалиги эса кўшимча моддий неъматлар яратиш асосида кўшимча даромад олишда ифодаланади. Оила хўжалигида ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмол бозорида сотишдан олинган даромадини бир қисми ёки оила хўжалиги томонидан ташкил этилган ва аҳолига ишлаб чиқариш корхоналарига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлардан тушган даромаднинг маълум қисми уй хўжалигини ривожлантириш учун сарф қилинади.

Оила хўжалигини назарий ва услубий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиши мумкин:

- бозор муносабатлари шароитида турли мулк шаклларига асосланган ишлаб чиқариш жараёнида нодавлат корхоналари ичида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган моддий ва иш кучларидан самарали фойдаланувчи

тадбиркорлик субъектлари ичида оила хўжалиги энг тежамкор ва самарали тадбиркорлик хўжалиги ҳисобланади;

- ишлаб чиқариш жараёнини турли нодавлат шаклларида ташкил этишда табиат бойликларидан тежамли равишда фойдаланиш асосидагина атроф муҳит ифлосланишини олдини олиш мумкин. Бунинг учун тадбиркорликни экологик муҳитга салбий таъсир этмаслиги учун уни бошқарувчиси бўлган тадбиркор малакавий даражага эга бўлиши лозим;

- хорижий ва республика иқтисодчи олимлари томонидан “уй хўжалиги”, “оила хўжалиги” тўғрисида берган иқтисодий тушунчаларини ўрганиш асосида оила хўжалиги нафақат истеъмол қилувчи хўжалик, балки у микроиқтисодий даражада ишлаб чиқариш жараёнининг асосий ишлаб чиқариш субъектларидан бири бўлиб оила хўжалигини асосий вазифаси микродаражада ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида истеъмол бозорига зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жисмоний, юридик субъектларга ижтимоий хизмат кўрсатиш асосида даромад олишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев “Олий Мажлисга мурожаатномаси” /Халқ сўзи 2017 йил 23 декабр 2-3 бетлар.
2. Экономическаф теория в школе. Книга для учителя – Ростов-на Дону: Финикс. 1996. 318 с.
3. Гукосьян Г.М. Экономическая теория. 3-е издание Санкт-Петербург. Питер. 2010. С.227.
4. Васильев М.В. Критерии и определения семейной фирмы: Эволюция европейских и российских исследователей // Проблемы теории и практики управления 2012 № 7-8. С. 155-162.
5. Общая экономическая теория (политэкономия) Учебник/ Под общей ред.акад. В.И.Видянина и Г.П.Журавковой. – М.: Промо-Медиа 1995.
6. Попов А.И. Экономическая теория – Спб.: Питер 2006 – С.97.
7. Ўзбек тилининг изохли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006. 97 б.
8. Улмасов А. Оила иқтисоди – Т.: Мехнат 1998. 4 б.
9. Ахмаджонов Х.И. Ўзбекистон хонадонлари молия ресурсларини шаклланиши ва ишлатилиши. Т.: Банк-молия академияси. Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси 2006. 8 б.
10. Юлдашев З.Ю., Маликов Т.С. Молия: уй хўжалиги молияси. Т.: Iqtisod Moliya^ 2008-110.